

ЖАРАЁН

“ЧОРВОҚ”НИНГ ФАРҒОНАДАГИ РАҚОБАТЧИСИ

СУВ – ОБИ-ҲАЁТ. БУ МУҲОКАМА ҚИЛИНМАЙДИГАН ҲАҚИҚАТ. СУВ-НИНГ ЯНА БИР ХИСЛАТИ БОР. У ҲАЁТ ФАРОВОНЛИГИ ОМИЛИДИР.

Gazeta 1914-yil 3-apreldan "Sadoi Farg'ona" nomi bilan chiqa boshlagan

Ijtimoiy-siyosiy, ma'naviy-ma'rifiy gazeta ★★★★★ 2025-yil 15-avgust, juma

№33
(25005)

Farg'ona haqiqati

Қува тумани ҳудудидаги “Каркидон” сув омбори атрофи кўп йиллардан бўён қаровсиз эди. Вилоят ҳокимлиги ташаббуси билан бу ерда жуда катта бунёдкорлик ишлари бошланди. Бош лойиҳага кўра, сув омбори атрофи туризм масканига айлантирилиб, биратўла ўн минг ички ва хорижий сайёҳ мароқли дам олиши мумкин бўлган мажмуа сифатида қуриляпти.



Тўрт йўналишдаги лойиҳа тақдим этилди

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ҲОКИМИ ХАЙРУЛЛО БОЗОРОВ ХИТОЙЛИК ИНВЕСТИТОРЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ. МУЛОҚОТ ЧОҒИДА “SHANDONG DAFENG NLAO” КОМПАНИЯСИ ВАКИЛИ ЦАО ШАНЛИН ФАРҒОНА ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ БИЛАН ҲАМКОРЛИҚДА АМАЛГА ОШИРИЛИШИ РЕЖАЛАШТИРИЛАЁТГАН ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИҲАЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТДИ.

Унга кўра, Хитой компанияси Фарғона олийгоҳида истиқболли лойиҳаларни амалга оширишни режалаштирган. Булар — қишлоқ хўжалигига оид илғор янги технологияларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, мазкур соҳа мутахассисларини ўқитиш ҳамда Шаньдун провинциясидаги Шефан университети профессорлари ҳамкорлигида хитой тилидан дарс бериш. Шунингдек, экскаваторлар учун эҳтиёт қисмлари ишлаб чиқариш лойиҳаси ҳам амалга оширилади.

Вилоятимиз раҳбари тақдим этилган лойиҳаларни қўллаб-қувватлашга тайёр эканини билдирар экан, энг аввало, замонавий ва илғор технологиялар асосида ишлаб чиқаришни ташкил этиш, шу орқали янги иш ўринлари яратиш муҳим мақсадлардан бири эканини таъкидлаб ўтди.

(Вилоят ҳокимлиги Ахборот хизмати хабари асосида тайёрланди).
Муслимбек ТЎЛАНОВ олган сурат.



Даладан — дастурхонга

ШОЛИ БУВАЙДАДА ЗЎР ҲОСИЛ БЕРАДИ ДЕГАНЛАРИ БОР ГАП

БУВАЙДА ТУМАНИДА ШОЛИЧИЛИККА АҲОЛИ ДАРОМАДИ ОШИШИГА САЛМОҚЛИ ХИССА ҚўШАДИГАН СОҲА СИФАТИДА ҚАРАЛАДИ.

Томорқачилар, фермер хўжаликлари сифатли шоли етиштириш ортидан турмуш даражаларини яхшилаш баробарида, маҳаллий бозорларни гуруҳ маҳсулотлари билан бойитишга беминнат ҳисса қўшмоқдалар. Жорий йилда тумандаги 3900 гектар ғалладан бўшаган майдонларга такрорий экин сифатида шоли экилди. 350 гектар ерда пишиб етилган эртанги ҳосил эса аллақачон элнинг дастурхонидан жой олди.

— Утган йилда замонавий агротехнологияларни қўллаш орқали 12 минг тонна ҳосил йиғишга эришдик. Бу натижа деҳқонларнинг сермашаққат меҳнати ва илғор агротехник тадбирнинг самараси сифатида эътироф этилди, — дейди Бувайда тумани ҳокимлигининг қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими бош мутахассиси Рўзимухаммад Жалолиддинов.

(Давоми 3-бетда).



— ҲОВУЗЛАР, ОВҚАТЛАНИШ ВА МУЗҚАЙМОҚ ШОҲОБЧАЛАРИ, СЕЛФИ МАЙДОНЛАРИ БЎЛАДИ. ЗАМОНАВИЙ “МОТОКРОС”, “САФАРИ” МАЙДОНЛАРИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ РЕЖАЛАШТИРИЛГАН, — дейди Фарғона вилояти қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бошқармаси бўлим бошлиғи Баҳодиржон ХЎЖАМАТОВ. — ГҮЛ БОҒИМИЗ ҲУДУДИДА ПЛЯЖ МАЙДОНИ ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ. БУНДАН ТАШҚАРИ, ХИТОЙЛИК ҲАМКОРЛАРИМИЗ СУВ ОМБОРИ УСТИДАН 2 КИЛОМЕТР УЗУНЛИҚДА ОСМА ЙЎЛ ҚУРИЛИШИ ИШЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШИ РЕЖАЛАШТИРИЛГАН.



Бу ишлар бошланганига кўп бўлмади. Лекин бинолар аста буй қўрсатяпти. Манзарали дарахтлар кўркамлик бера бошлади. Шу ўринда сув омбори атрофи тошлиқ қир-адирдан, паст-баландликдан иборатлигини алоҳида айтиш лозим. Уларни ободонлаштириш, сув билан таъминлаш учун бир неча тик қудуқлар қазилди. Ҳозир ҳам қазилмоқда. Сўнгра сув қир тепалигига бир неча босқич насосларда кўтарилиб, дарахтзорлар остига томчилатиб суғориш усулида олиб келиняпти. Чунки экотуризм ҳам назарда тутилган.

— 250 гектардан ортиқ ҳудудга мастер режа ишлаб чиқилган. Лойиҳалар тайёрланган, — дейди Баҳодиржон Хўжаматов. — Атрофдаги 300 гектар майдонда ажил макон ташкил этилиб, зарур инфраструктуралар, қурилиш ишлари бошланди. 10 гектар ҳудудда гулбоғ ташкил этиш, 30 гектар майдонда экотуризм ташкил этиш бўйича лойиҳа амалга оширилмоқда.

Саёхлик марказидаги ўн гектарлик гулбоғга дунёнинг энг гўзал, ноёб гул кўчатлари олиб келиш ҳақида

шартномалар имзоланди. Хитойлик ҳамкорлар бу вазифани зиммаларига олдилар.

“Каркидон” оромгоҳига келганлар мароқли дам олиши учун аквапарк ташкил этилади. Улар яшаши учун эса турли тоифадаги меҳмонхоналардан тортиб, сув четига қўйиладиган капсула уйларгача бўлади.

— 200 ўринли меҳмонхона, 6 сотихли ҳовлиси бўлган икки қаватли коттеж типидagi уй-меҳмонхоналар қурилиш ишлари бошланган, — дейди Баҳодиржон Хўжаматов.

Айни чоғда “Каркидон” мажмуасига олиб борадиган йўллар кенгайтирилиб, асфальт ётқизишга тайёрланмоқда. Икки четда эса пиёдалар учун йўллар қуриляпти.

Тошкентда “Чорвоқ” мажмуаси бўлса, Фарғонанинг ундан қолишмайдиган “Каркидон” сайёҳлик маркази бўлади ва у келгуси йилдан дам олувчиларни қабул қилишни бошлайди.

Муҳаммаджон ОБИДОВ.
Элёр ОЛИМОВ олган суратлар.

Оғриқларимиз

ҚЎШНИМИЗНИНГ НОМИ БАЛАНД, НОМИДАН ҲАМ ТОМИ БАЛАНД

(Ноқонуний қурилишлар кўпайишининг сабаб ва оқибатлари ҳақида мулоҳаза)


БУГУНГИ КУНДА ҲУДУДЛАРДА НОҚОНУНИЙ ҚУРИЛИШЛАР СОНИ ОРТИБ БОРАЁТГАНИ БОР ҲАҚИҚАТ. АЙРИМ ШАХСЛАР ТОМОНИДАН ЕР ҚОНУНЧИЛИГИНИ, ШАҲАРСОЗЛИК НОРМАЛАРИ ВА МЕЪЁРЛАРИНИ ИНОБАТГА ОЛМАСДАН, НОҚОНУНИЙ ҚУРИЛИШ ИШЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШИ МУАММОЛИ ВАЗИЯТЛАРНИ КЕЛТИРИБ ЧИҚАРМОҚДА. ШУ ЎРИНДА САВОЛ ТУҒИЛАДИ: НЕГА НОҚОНУНИЙ ҚУРИЛИШЛАР КУПАЙМОҚДА?



Кўп ҳолларда фуқаролар қурилиш ишларини бошлашдан олдин тегишли ташкилотлардан рухсат олиш кераклигини билмайди. Қонунчиликдаги талаблар билан таниш эмаслиги ёки уларни тўғри тушунмаслиги оқибатида ноқонуний қурилишлар авж олади.

Яқинда ижтимоий тармоқларда кенг муҳокама қилинган сабаб бўлган Самарқанддаги “қўзиқорин уй” номи билан машҳур бўлган 12 қаватли бино бузилиши билан боғлиқ ҳолат ҳам айнан қурилиш эгасининг ҳуқуқий саводхонлиги етарлича эмаслиги ва қонун-тартибларга бўйсунмаслиги оқибатида юзага келди.

(Давоми 2-бетда).



Оғриқларимиз

Қўшнимизнинг номи баланд,
номидан ҳам томи баланд

(Бошланиши 1-бетда).

Қайд этилишича, ўз уйининг бир қисмини бузиб, ўрнига меҳмонхона қурган шахс шахарсозлик ҳужжатларини расмийлаштирилмасдан қурилиш ишларини амалга оширган. Натижада бир қатор камчиликлар аниқланган. Жумладан, қурилишга рухсат берувчи Самарқанд тумани ҳокимининг қарори йўқ; архитектура режалаштириш топшириғи (АПЗ) мавжуд эмас; муҳандислик геологияси, лойиҳа-смета ҳужжатлари тўлиқ ишлаб чиқилмаган ва тасдиқланмаган; белгиланган тартибда шахарсозлик кенгашидан ўтмаган; қурилиш объектида фойдаланилган қурилиш материалларининг талабларга мувофиқлиги тўғрисидаги паспорт ва сертификатлари тақдим этилмаган; мутахассислар томонидан бинонинг сейсмологик жиҳатдан талабларга жавоб бермаслиги ҳам аниқланган.

Бу мисолни нимага келтирдик? Чунки, ана шундай қонунчилик талабларига амал қилмаган фуқаролар ёки юридик шахслар вақти келиб пушаймон бўлиб қолмоқда. Ўз навбатида, кўплаб фуқароларнинг норозилигини келтириб чиқарпти.

Шу билан бирга, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳамда алоқадор идоралар томонидан мунтазам ва тизимли назоратнинг олиб борилмаслиги ноқонуний қурилишлар учун “ша-роит яратди”. Вақтида огоҳлантириш, жазо чораларининг қўлланилмаслиги айрим фуқароларда қонун талабларидан кўрқмаслик ҳиссини уйғотди.

Афсуски, баъзи ҳолларда ер ажратиш ёки қурилишга рухсат бериш жараёнларида коррупция омиллари ҳам учраб туради. Бу эса қонун устуворлигини сусайтириб, ноқонуний қурилишларнинг кўпайишига олиб келади. Тан олишимиз зарур, фуқаролар томонидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш даражаси паст. Кўпчилик “менга алоқаси йўқ” деб ўзига дахлдор бўлмаган масалаларда бетарафлиқни маъқул кўради. Бу эса ҳуқуқбузарликларнинг яширинча амалга ошишига йўл очди.

Ноқонуний қурилишлар нафақат ҳудуд қиёфасини бузади, балки табиий муҳитга, инфратузилмага, хавфсизликка ва жамиятдаги адолат ҳиссига ҳам таъсир ўтказди. Бу муаммони бартараф этиш учун ҳуқуқий маданиятни ошириш, назорат механизмларини кучайтириш, адолатли ва шаффоф шахарсозлик сиёсатини юритиш жуда муҳим. Ҳар бир фуқаро ўз ҳуқуқини билгани каби, мажбуриятларини ҳам англаши, қонунга итоат қилиши керак. Чунки қонун ҳурмат қилинган жамиятдагина тараққиёт ва адолат бўлади.

Шахарсозлик нормаларига зид равишда турли биноларни қуриш нафақат эстетик жиҳатдан, балки хавфсизлик нуқтаи на-заридан ҳам жиддий таҳдид ҳисобланади. Ноқонуний қурилган бино эгаси ўз манфаатини кўзлаб иш тутса-да, у фуқаролар хавф-сизлиги, муҳандислик коммуникациялари ва транспорт оқимига салбий таъсир кўрсатishi мумкин. Айниқса, кўчаларда, умумий фойдаланиладиган ер участкаларида, боғлар ёки дарё соҳилларида қурилган ноқонуний иншоотлар нафақат манзарани бузади, балки жамоат тартиби ва та-биий ресурсларнинг мувозанатига ҳам салбий таъсир кўрсатади.

Энг ачинарлиси, сўнгги йилларда юртимиз-да юз берган кўплаб ёнғин ҳодисалари таҳлил қилинганда, уларнинг ортида аниқ бир “сабаб” турганини кўриш мумкин: қонун талабларига зид, яъни ноқонуний қурилган иншоотлар. Бир қарашда бундай қурилишлар од-дий, ҳатто зарур ечимдек кўринади. Масалан, жонадонга бит-та “хонача” қўшиб олиш, айвон ёпиш, кўп қаватли турар жойлар том қисмига қўшимча қават ёки маиший хизматга мўлжалланган бинолар қуриш, электр тармоғини кен-гайтириш... Аммо ана шу “оддий” қурилишлар натижасида оғир оқибатлар — ёқимсиз, ҳатто ҳалокатли ёнғинлар келиб чиқади. 2023 йилда Қўқон шаҳридаги “Буюк ипак йўли” бозорида узоқ давом этган ёнғинни бир кўз олдингизга келти-ринг.

Фурқат тумани Фавқулодда вазиятлар бўлими ходими Орфжон Абдувахобовнинг таъкидлаши-ча, кўплаб ноқонуний қурилишларда арзон ва сифатсиз, ёнувчан материаллар (фанера, пластик, ёғоч) ишлатилади. Бу моддалар

озгина учқун тегиши билан бир зумда алангала-нади ва ёнғиннинг тез тарқалишига сабаб бўлади. Расмий лойиҳаси бўлмаган биноларда ёнғин хавф-сизлиги талаблари инобатга олинмайди. Масалан, эвакуа-ция йўллари, ёнғинга қарши тўсиқлар, огоҳлантирувчи уску-налар каби муҳим жиҳатлар умуман назардан четда қолади. Ноқонуний иншоотларда кўпинча электр узатиш симлари му-тасадди мутахассисларсиз, ўзбошимчалик билан ўрнатилади. Бу эса қисқа туташув ва сим қизиши каби ҳолатлар орқали ёнғин хавфини янада оширади. Иситиш ёки ошхона ускуна-лари (газ плитаси, печ ва бошқалар) нотўғри joyлаштирил-ганда газ сизиши, портлаш ва ёнғин билан тугаши мумкин.

Шу билан бирга, фуқаролар қурилишни бошладан олдин рухсатнома олиш, мутахассислардан маслаҳат сўраш, меъёр-лар билан танишиш ўрнига “қўшнисининг тоmidан бир поғона баландроқ” уй қўтаришига киришади.

Ноқонуний қурилишлар кўпинча ҳуқуқий низоларга са-баб бўлади. Суд ишлари, жарималар, бузиб ташлаш ҳақидаги қарорлар фуқарони моддий ва маънавий зарарга дуч келтиради. Бундай биноларда инсонлар яшайди ва бу уларнинг ҳаёти учун хавфли бўлиши мумкин. Техник қўлланмаларсиз ва мутахассис-ларни жалб қилмасдан қурилган уйлар сейсмик барқарорлик талабларига жавоб бермаслиги мумкин. Бундай ҳолатлар маҳаллий ҳокимият органлари фаолиятига бўлган ишончга путур етказди. Чунки жамоатчилик орасида “Оғзи қийшқ бўлса ҳам бойнинг боласи гапирсин” деган фикр шаклланади.

Расмий рақамлар нима дейди? Кадастр агентлиги Фарғона вилоят бошқармаси маълумотларига кўра, 2025 йил 1 август ҳолатига 4 минг 984 та ҳолатда жами 264,1 гектар ер майдонлари фуқаролар ва юридик ташкилотлар томонидан ўзбошимчалик билан эгал-лаб олинган. Ушбу ҳолатлар юзасидан Кадастр агентлиги ор-ганлари томонидан қонунбузилиш ҳолатларини содир этган шах-слар оғлҳлантрилиб, 4 минг 67 та ҳолатда ёки 210,1 гектар ер майдонларида йўл қўйилган қонунбузилиш ҳолатлари бартараф этилди.

Ер қонунбузилиш ҳолатларини содир этган айбдор шахслар томонидан қурилган қурилишларни буздириш ҳамда ер майдонларини давлат захирасига қайтариш мақсадида 745 та ёки 42,2 гектар ноқонуний эгаллаб олинган майдонлар бўйича даъво аризалари судларга киритилиши таъ-минланди. Жиноят аломатлари мавжуд ҳуқуқбузарлик ҳолатлари юзасидан тўпланган ҳужжатлар 75 та ёки 12,9 гектар майдонни ташкил этади. Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида Фарғона вилоят ҳудудий инспекцияси томонидан уй-жой йўналиши бўйича дастлабки олти ойда 279 та ҳуқуқбузарлик аниқланган.


Минг афсуски, ноқонуний қурилишлар кўпинча экологик му-аммоларга ҳам сабаб бўлади. Аҳолининг ноқонуний қурилиш учун боғ, дарахтзор ёки ҳимояланган табиий ҳудудларни танлаши кўп учрайди. Натижада ҳаво тозаллигини таъминловчи ўсимликлар ке-сиб юборилади, қушлар ва кичик жонзотлар яшаш жойидан ай-рилади, биоэкологик хилма-хиллик камайиб боради. Қонунга зид равишда дарё, ариқ, каналларга яқин ҳудудларда қурилган иншоотлар сув оқимини тўсади, оби-ҳаётнинг табиий тозаланиш жараёнини бузади, ерости сувлари иф-лосланади ва тупроқ намлиги ўзгариб, шўрланишга олиб келади. Ноқонуний қурилишларда қурилиш нормаларига риоя қилинмаслиги туфайли қичқиндиларни назоратсиз ташлаш ҳолатлари келиб чиқади. Бу эса ерни зарарли моддалар билан ифлослантиради, кимёвий моддалар тупроқ ва сув таркибига кириб, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига зарар беради.

Демак, ҳар бир фуқаро қурилиш ишларини амалга оширганида, табиатни ҳам ҳимоя қилиши лозим. Шах-сий фойда учун табиий ресурсларни йўқ қилиш — ўз қўлимиз билан келажакни хавфга солиш демекдир. Шун-дай экан, жойларда ноқонуний қурилиш кузатилса, ҳар бир онгли фуқаро бефарқ бўлмаслиги лозим. Бугунги тинч, осуда ҳаётимизни сақлаб қолиш, фарзандлари-мизга қўлай ва хавфсиз муҳит яратиш — барча-мизнинг бурчимиз.

Дурдона ҒОҒҒОРОВА.

КОРРУПЦИЯ

ЖАМИЯТ
ТАРАҚҚИЁТИНИНГ
КУШАНДАСИДИР



ХАВФЛИ ЖИНОЯТ,
УНГА ЖАЗО МУҚАРРАР!

МАМЛАКАТИМИЗДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ҚУРАШИШ ДАВЛАТ СИЁСАТИНИНГ АСОСИЙ Йўналишларидан биридир. Унинг ҳуқуқий АСОСЛАРИ, ТАШКИЛИЙ ТУЗИЛМАСИ ВА АМАЛГА ОШИРИШ СТРАТЕГИЯСИ БЕЛГИЛАНГАН.

Ўзбекистон Республикасининг Бир-лашган Миллатлар Ташкилоти Корруп-цияга қарши конвенциясига қўшилиши ислохотларнинг дастлабки муҳим қадами бўлиб, уни амалга оширишнинг миллий механизми сифатида “Корруп-цияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонун, “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республика-си Қонунининг қоидаларини амалга

тироқчи давлатларидан ҳуқуқий, маъ-мурий ва институционал тизимларни такомиллаштириш, ҳалоллик, ошқора-лик ва масъулият принципларига асос-ланган бошқарувни жорий этиш талаб этилади.

Коррупцияга қарши курашда суд ор-ганлари фақат жазо тайинловчи эмас, балки профилактик таъсир кўрсатувчи марказ сифатида ҳам фаолият юрита-



Шерзод
МИРЗАҲАКИМОВ,
Фарғона вилоят
маъмурий суди раиси
вазифасини вақтинча
бажарувчиси

ди. Одил суд қарорлари жамиятда тоза ҳаётга иштиёқ уйғотди, ман-сабдор шахсларга — “ҳар қандай суиестъ-мол жавобгарликка олиб келади” деган хабар бе-ради.

Фуқаролар ҳамда дав-лат органлари ўрта-сида юзага келадиг-ан низолар маъму-рий судлар судловига тааллуқлилигини ино-батга олган ҳолда, дав-лат органлари фаоли-ятида қонунийликни таъминлашда маъмурий судлар юқори ўрин ту-тади дейиш мумкин.

Хусусан, 2025 йил-нинг 6 ойи мобайнида Фарғона туманларо қ маъмурий суди томо-нидан жами 666 та иш қўрилган бўлиб, жараён-

ларда давлат органларининг қарорлари, ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлигига қонуний баҳо берилган.

Қўрилган ишлар мобайнида давлат органлари фаолиятида аниқланган ҳа-то ва камчиликларни юзасидан 167 та ҳусусий ажримлар, ишни кўриш жара-ёнида жиноят аломатлари мавжудлиги ҳолатларига ҳуқуқий баҳо бериш учун 48 та хабарномалар чиқарилиб, проку-ратура органларига юборилган.

Ҳулоса ўрнида шунни айтиш мумкинки, бугунги глобаллашув даврида давлат ва жамиятнинг иқтисодий-ижтимоий ривожланишига тўсиқ бўлиб келаят-ган коррупция деб аталмиш салбий иллатнинг мавжудлиги барчамиз учун фавқулодда ҳолат деб баҳоланмоғи ке-рак. Ушбу жирқанч иллатга қарши ку-рашишни нафақат ҳар бир давлат хиз-матчиси, балки барча катта ва кичик ёшдаги фуқароларимизнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини туб негизига сингдирилиши коррупциянинг уруғини қуритиш учун олга ташланган муҳим ва асосий қадам бўлади.

(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди гранти асосида тайёрланди).

Нигоҳ

БУГУН БУТУН ДУНЁ ҲАМЖАМИЯТИНИНГ НИГОҲИ АЛЯСКАГА ҚАРАТИЛГАН. МАНБАЛАРГА КўРА, БУ ЕРДА ИККИ йИРИК ДАВЛАТ — РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ ВА АМЕРИКА ҚўШМА ШТАТЛАРИ ДАВЛАТ РАҲБАРЛАРИНИНГ ТАРИХИЙ учРАШУВИ РЕЖАЛАШТИРИЛГАН.

Т рамп “жуда машҳур жой” дея таъриф-лаган, 1959 йилдан 49-штант сифатида АҚШ таркибига киритилган Аляс-ка аслида узоқ йиллар давомида Россия империясининг таркибида бўлган. 1732 йилда Михаил Гвоздев ва Иван Фёдоров бошлиқ рус экспе-дицияси томонидан кашф этилган ва Россия империяси мулки деб эълон қилинади.

Россия императори Александр II даврида, яъни 1867 йил 30 март куни Вашингтонда АҚШ давлат котиби Уилям Сьюард ва Россиянинг АҚШдаги элчиси Эдуард Стекл иштирокида Аляскани Америкага сотиш бўйича шартнома имзоланади. Унга кўра, харидор давлат ҳукумати 1 миллион 519 минг квадрат километр ҳудуд учун 7 миллион 200 минг доллар тўлайди (ҳозирги нархда тахминан 153,5 миллион доллар). Америка Аляскадан ташқари Британия Колум-биясининг ғарбий қирғоқларини ва Тинч океанидаги кўплаб ороллар ва архипелагларни олади.



Дунё тинчликка
яқинлашмоқдами?

“Аср савдоси” дея таърифлана-диган мазкур сотувни дастлаб икки давлат жамоатчилиги ҳам ижобий қабул қилмайдди. Руслар ҳукуматни қимматли ерни “сувтекин”га сотиб юбораётганликда айбласа, америка-

ликлар “Сьюард аҳмоқлиги” — “бир уюм муз учун миллионлаб доллар тўлаш, пулни ҳавога совуриш би-лан тенг” дея баҳолашди. Уша “сувтекин”га сотилган ёки “бир уюм муз” ўлкаси бугун Американинг

нефть, олтин каби катта ер ости бойликларига бой штати. Ҳудудда балиқчилик ҳам жуда ривожланиб кетган. Баъзи маълумотларга кўра, биргина шу соҳанинг ўзидан бир кунда Аляска сотиб олинганидан кўра

кўпроқ даромад қилинади.

Владимир Путин Аляскага таш-риф буюрган биринчи Россия раҳбари бўлади. Аввалги давлат раҳбарларининг ҳеч бири собиқ ерларига қадам ранжиди қилмаган. Умуман, Россия президентининг АҚШга сўнгги ташрифи 10 йил аввал, 2015 йилнинг сентябрида бўлган эди. Ушанда Путин БМТ Бош Ассамблеяси йиғилишида нутқ сўзлаган.

Аляска учрашуви белгиланиши-дан аввал Владимир Путин Кремлда Трампнинг махсус вакили Стивен Уиткоффни қабул қилди. Унда мам-лакатларинг раҳбарларининг Украин масаласи, шунингдек, Москва ва Вашингтон ўртасидаги страте-гия ҳамкорлиқни ривожлантириш истиқболлари бўйича юзма-юз мулоқотига келишиб олинди. Бун-дан тезда дунё хабардор бўлди. Кўп ўтмай Россия президенти ёрдмчиси Юрий Ушаков Дональд Трамп ва Владимир Путин учрашуви 15 август куни Американинг Аляска штатида бўлиб ўтишини расман тасдиқлади. “Россия ва АҚШ яқин қўшиллар, шу-нинг учун Путин ва Трамп ўртасидаги учрашув Аляскада бўлиб ўтиши мантиқан тўғри келади”, деб ёзади РИА “Новости”.

“Москва ва Вашингтон, албатта, яқин бир неча кунни Аляскадаги саммитнинг амалий ва сиёсий па-раметрларини энг фаол ва жадал ривожлантиришга бағишлайди. Ва бу, афтидан, осон жараён бўлмайди, лекин биз бу борада фаол ва жа-дал ишлаймиз”, — дея Ушаков сўзларидан иқтибос келтиради “Ин-терфакс” агентлиги.

АҚШ президенти Дональд Трамп ҳам мазкур учрашув бўлиб ўтишини маълум қилди. Тегишли хабар Truth social ижтимоий тармоғида эълон қилинди.

“Мен, Америка Қўшма Штатлари президенти ва Россия президенти Владимир Путин ўртасидаги узоқ ку-тилган учрашув 2025 йил 15 август, Аляска буюк штатида бўлиб ўтади. Қўшимча тафсилотлар кейинроқ эълон қилинади”, деб ёзган у. Бундан бироз олдин Трамп Оқ уйда журна-листлар саволларига жавоб берар экан, Россия ва Украина ўртасидаги потенциал тинчлик келишуви қандайдир “ҳудуд алмашинуви”ни ўз ичига олишини айтди. “Ўзаро манфа-ат учун қандайдир ҳудудлар алмаш-нуви бўлади... Нимадир қайтаримиз, нимадир алмаштирамиз”, — дейди у ва яқин орада бу борада аниқ суҳбат бўлишини қўшимча қилди.”

Оқ уй матбуот котиби Кэролайн Ливиттга кўра, Трамп ва Путин учра-шувнинг камида бир қисмини ёлғиз ўзи, фақат таржимонлар иштиро-кида, маслаҳатчилар иштирокисиз ўтказаси.

Бугун она заминимизни тахликага солиб турган бу “совуқ уруш” тезроқ якун топишини нафақат рус ва укра-ина фуқаролари, балки бутун дунё тинчликсевар халқлари истади. Шу билан бирга, умид қиладики, юзма-юз мулоқот Россия Украина урушини тугатиши мумкин. Демак, дунёимиз тинчликка яқинлашиши учун реал имконият пайдо бўлди.

(Ижтимоий тармоқлар хабарлари асосида тайёрланди).



Жараён



ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ҲАҚИДА ГАП КЕТГАНИДА, У БОҒ-РОҒЛАРДАН ИБОРАТ СЎЛИМ ДИЁР, ДЕЙИШАДИ. БУ АСЛИДА ҲАҚ ГАП. АММО ВИЛОЯТ ҲУДУДИНИНГ УЧДАН БИР ҚИСМИ ТОҒ, ТОШЛИҚДАН ИБОРАТ ҚИР-АДИРЛАР ЭКАНИНИ БИЛАСИЗМИ? У ЖОЙЛАРДА БИР ТУП КУЧАТ УНДИРИШ УЧУН ДАСТЛАБ ЕРДАГИ ТОШЛАРНИ НЕ АЗОБДА ЙИҒИБ-ТЕРИБ ОЛИШ ЗАРУРЛИГИНИ, СУВ ЕТИШМАСЛИГИ УЧУН ТИК ҚУДУҚЛАРНИ АНЧАЙИН ЧУҚУР ҚАЗИШ ЛОЗИМЛИГИНИ-ЧИ? ДЕҲҚОН, БОҒБОН БОСИҚЛИК БИЛАН ДАСТЛАБ ШУ ИШЛАРНИ АМАЛГА ОШИРАДИ. СЎНГРА, БОҒ ЯРАТАДИ.

Янги Ўзбекистоннинг ЯНГИ БОҒИ ВА БОҒБОНИ

Неча асрлик Қува адирлари кун сайин чекиниб, ўрнини боғларга, узумзорларга бўшатмоқда. Уни яратаётганлардан бири "Garden" масъулияти чекланган жамиятидир.

— Умумий майдонимиз 110 гектар, — дейди "Garden" МЧЖ иш юритувчиси Рустамжон Ортиқов. — Бундан 47 гектари узумбоғ, 5 гектари балиқчилик, қолган майдонимизга чорвачилик фермамиздаги 100 бош қорамол, 300 бош зотдор қўйларга ем-хашак қилиш учун қора экин — макка, беда экилади.

Иш юритувчи Рустамжон Ортиқов камтарлик билан айтди бу рақамларни. Бир йилнинг ўзига 110 гектар адирни ўзлаштириш осон гапми? Қолаверса, унинг 47 гектарига энг ноёб навли узум экиб қўқартирибдилар.

— Бу йил "аватар" навли узум экканмиз. Ер қуруқ ва тошлиқ бўлганлиги сабабли шу нав тўғри келар экан. Кейинги йилда мевасини кўрамиз, — дейди у. — Биз нега "аватар"ни танладик? Биринчидан, серхосил, иккинчидан, сердаромад. Бу Ўзбекистон узум бозорига янгилик.

Ҳа, "аватар" нави Ўзбекистон узумчилигида янгилик. Тадбиркор-боғбон 47 гектарда уруғидан олинган кўчатни экиб ундириб олишга эришган. Бунинг учун дастлаб томчилатиб сўғоришни ташкил қилди. Ҳар уч метрда, уч метр қатор оралиги билан 47 гектардаги 51183 туپ кўчат остига томчилатиб сув олиб келди.

Тўғри, дастлаб тик қудуқ қазиди, зарур сифимдаги сув ҳавзаси қурди, хорижий сув ниймисиз ва узлуқсиз меҳнат қилинди. Мана натижаси: кўчат бехато гуркираб ўсмоқда.

"Garden" масъулияти чекланган жамият яна бир янгиликка қўл урди. 47 гектар узумзорга



тўлиғича қуёш панеллари ўрнатмоқда.

— Ҳар бир устундаги қуёш панели 0,63 киловаттдан электр энергияси ишлаб чиқаради. Жами 5 мегаватт бўлади. Буни қўшимча даромад олиш мақсадида қилдик, — дейди Рустамжон Ортиқов.

5 мегаватт электр энергияси боғнинг барча харажати қоплаб, тадбиркорга яна... Келинг, унинг қўллаётган даромадини ҳисобламайлик. Лекин шуниси аёнки, қуёш панеллари келтирадиган даромад унга қилинган харажатни икки йилга етмай қоплайди. Сўнгра соф даромад келтира бошлайди.

Ҳа дарвоқе, 110 гектарда камида 110 та янги ишчи ўрни яратилапти. Тадбиркор улар учун шу ерда яшаб-ишлашига қулай шароитлар яратди. Барча қўлайликка эга уй-жой қуриб бермоқда.

"Garden" масъулияти чекланган жамиятини Янги Ўзбекистоннинг янги боғбони ва янги боғи дейиш мумкин.

Муҳаммаджон ОБИДОВ.
Элёр ОЛИМОВ олган суратлар.

Даладан — дастурхонга

ШОЛИ БУВАЙДАДА ЗЎР ҲОСИЛ БЕРАДИ деганлари бор гап

(Бошланиши 1-бетда).



Дарвоқе, туман фермер хўжаликлари қурғоқчилик шароитларида ҳам илгор агротехнологиялардан унумли фойдаланишга, сув ресурсларини тежаш ва ҳосилнинг сифатини оширишга эришмоқдалар.

Айтишларича, авваллари экинга катта микдорда сув оқизилиб, намлик қатлами ушлаб турилар, бу эса сувнинг беҳуда сарфланишига олиб келинарди. Аслида экиннинг ривожланиш даврида сувнинг белгиланган нормадан кўп оқизилиши ҳосилдорлиқни оширмайди, қайтагина хўжаликларга иқтисодий зиён келтиради.

Шоли етиштиришда сув тежовчи технологияларнинг амалиётга таъбиқ этилиши мавжуд муаммоларнинг олдини олди. Ҳозирда шолিপоялар аксарият ҳолатда оқовасиз усул билан сўғорилади. Сувдан фойдаланишда бу усулни қўллаш мақсадга мувофиқ бўлиб, йиллик сув меъёрини 25-30 фоизга тежаш имконини бермоқда. Аҳамиятли томони, тупроқ шўрланган ёки аксинча шароитда ҳам мазкур агротехник тадбири қўллаш мумкин бўлмоқда.

Илгор фермер Аъзамжон Шерқўзиёвнинг сўзларига қараганда, амалиётда шол парвариланишнинг бир қанча усуллари мавжуд. Туманда аксарият ҳолларда уруғ сеялалар орқали экилади ва сув қўлатиш технологияси асосида етиштирилади.

Бувайдаликлар "Янгиқўрғон", "Бачкир" "Бекобод", "Пошшоприм", "Қўрғонобод" маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳудудларидаги майдонларда шолнинг "авангард", "искандар", "аланга", "марварид", "лазур" навларини етиштириш баробарида, Наманганнинг Чуст ҳамда Тошкент вилоятининг Охангарон туманларида ҳам деҳқончилик қилишмоқда.

Маълумотларга кўра, туман аҳолисининг гурӯҳга бўлган йиллик талаби 294 тонна. Олинаётган ҳосил ички талабни қондирмоқда. Бундан ташқари, тадбиркорлар томонидан республикамизнинг бошқа ҳудудларидан гурӯҳ келтирилиб, озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланмоқда.

Туман ҳокимлиги томонидан шол иурғучилиги хўжаликларини ташкил қилиш, ҳосил сифатини яхшилаш, уни тозалаш, саралаш, қадоқлаш ишларини йўлга қўйиш бўйича аниқ вазифалар белгилаб олинган. Эндиликда ерлар лазер қурилмалари ёрдамида теккисланиб, ялпи экин экилмоқда, сув сарфи 50 фоизга тежалмоқда, ҳосилга ишлов бериш ишлари эса 80 фоизга камай-япти.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, "Оқ-қўрғон" маҳалла фуқаролар йиғинида обху-воз ташкил этган тадбиркорлар сони қирқ нафардан зиёдни ташкил этади. Улар шол-

ни тозалаш, саралаш, қуритиш ва қадоқлаш ишларини замонавий технологиялар ёрдамида амалга ошириб, маҳсулот сифати ва хавфсизлигини кафолатлашмоқда. Мазкур фаолият тури маҳаллаларда янги иш ўринларини яратиб, аҳоли бандлигини таъминлашга хизмат қилаяпти.

— Минг тонналик оғиримиз бор, обху-возда кунига 10 тоннагача шол қайта ишланади. Бунинг учун Хитой давлатидан янги технологиялар олиб келдик. Улар орқали шолга қайта ишлов беришда сифат ошди, — дейди тадбиркор Сарварбек Раҳмонов.

Бир сўз билан айтганда, Бувайда туманида шол етиштириш ва қайта ишлов соҳасида қилинаётган бу кайта амалий ишлар тўғрисида "даладан — дастурхонгача" бўлган занжир самарали ишламоқда.

Муаттар МАҲМУДОВА.

Қишлоқларни яёв кезганда...

Қаторда норинг бўлса, ЮКИНГ ЕРДА ҚОЛМАЙДИ ёки қўштегирмонликларнинг қувонч ва ташвишлари

МАҲАЛЛА ЖОНҚУЯРЛАРИ БЎЛГАН ЖОЙДА АҲОЛИ МУАММОЛАРИ БИРИН-КЕТИН ҲАЛ ЭТИЛИБ, ҲУДУД ОБОД, ТУРМУШ ФАРОВОНЛАШИБ БОРАВЕРАДИ. БУНДАЙ КЎРКАМ, ТЎКИН ҲАЁТ ТАРЗИГА ЭРИШГАН МАҲАЛЛАЛАР ВИЛОЯТИМИЗДА ЖУДА КЎП. АНА ШУЛАРДАН БИРИ БАҒДОД ТУМАНИДАГИ "ҚЎШТЕГИРМОН-2" МАҲАЛЛА ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНИДИР.

Икки ой аввал маҳалла сайловчилар вакиллари номзодлар орасидан ёш, ғайратли ва ташаббускор Баҳодиржон Нишоновга энг кўп овоз бериб, раисликка сайлашгани бежиз эмас эди.

— Маҳалламиз ахли касби ўқитувчи, фуқаролар йиғини фаоли, ҳудуднинг паст-баландини яхши биладиган, муаммоларни ҳал этишга жон-жаҳд билан уринадиган Баҳодиржон Нишоновни бир сўзли, серғайрат йигит эканлигини билади. Катта умидлар билан уни ўзимизга раис қилиб сайладик, — дейди меҳнат фахрийси Расулжон ота Умарзоқов. — Мана, орадан ҳеч қанча ўтмай, аҳолини қийнаб келаётган иккита муаммодан ҳал бўлди, қувончимизга қувонч қўшилди.

Ҳўш, булар қандай муаммолар эди? Янги раис уларга қандай ечим топди?

Баҳодиржон раислик фаолиятининг дастлабки кунидеяк "маҳалла еттичилиги", хусусан, кўпни кўрган маҳалла оқсоқоли Икромиддин Эргашев билан масалаҳатлашди ва одамларни ўйлантириб турган иккала масалани ўз имкониятлари, яъни ҳашар йўли билан ҳал этса бўлади, деган қарорга келишди.

Биринчи муаммо: Мозорбоши маҳалласида яшовчилар узоқ йиллардан бери электр таъминотидан қийналишар, бундан ярим аср илгари ўрнатилган симёғочлар яроқсиз ҳолга келиб қолган эди. Айрим хонадонлар мажбурлик сабаб, "қўлбола" симёғоч ясаб, тармоққа уланганди. Тез-тез эсиб турадиган Қўқон шамоли вазият-ни баттар оғирлаштирарди.

— Қисқа фурсатда керакли маблағ йиғилиб, эски симёғочлар ўрнига 40 та темир-бетон таянч устунлар

ўрнатилди. 1,5 километрдан ортиқ масофада жойлашган 55 та хонадоннинг электр таъминоти изга тушди. Маҳалла аҳлининг мушқули осон бўлди, — дейди оқсоқол Икромиддин Эргашев.

Иккинчи муаммо: Пастки маҳалла ва Гузар кўчасидаги хонадонларнинг тоза ичимлик сув таъминоти талабга жавоб бермасди. Масалани ҳал этиш учун, аввало, Маориф ва Тўғончи кўчаларида ичимлик сув қудуқларини қавлаш ҳамда янги тармоқ тортиш лозим эди. Халқ кучи ва маблағи, юксак ташкилотчилик эвазига бу юмушлар ҳам қўйилмақом қилиб удалланди. Иккита сув қудуғини ишга туширишга 560 миллион сўм сарфланди. Пастки маҳаллага 2,5 ва Гузар кўчасига 1 километр масофада тармоқ тортилди.

Маҳалла оқсоқоли сўрови билан юқори ташкилотлар кўмағида олиб келинган 2000 метр полиэтилен қувур ичимлик сувини тармоқдан хонадонларга олиб киришда қўл келди. Умуман олганда, халқ ҳашари йўли билан бажарилган бу ишлар салкам 1 миллиард сўмликни ташкил этди. Шундай қилиб, хонадонлар ҳовлисида исталган пайтда жўмрақдан оби-ҳаёт оқадиган бўлди. Маҳалла фуқаролар йиғини аҳолисининг тоза ичимлик суви билан таъминланиш даражаси 90 фоиздан ошди. Ушбу ободликлар қаторига туман ҳокимлиги маблағи эвазига бунёд этилган 1000 метр масофадаги пиёдалар йўлагига ҳам қўшилиб, қишлоққа янада фойз ва кўркамлик бахш этди.

— Маҳалла фуқаролар йиғинида 1010 та хонадон бўлиб, 5340 нафар аҳоли умрғуздоронлик қилади. Ҳар бирининг ҳолидан хабардор бўлиш, муносиб яшаш шароитини яратиш,



тинчлик-осойишталикни таъминлаш, эҳтиёжманд оилаларга кўмаклашиш, айниқса, аёллар ва ёшларни қўллаб-қувватлаш, иш билан таъминлаш, тадбиркорликка йўналтириш, қишлоқ ободлиги доимий диққат марказимизда. 23 нафар ишсиз ёшлар бор эди. Кейинги бир ойда 18 нафарининг бандлиги таъминланди. "Қамбағаллик реестри"га киритилган 53 оилага моддий ва маънавий кўмак берилмоқда. Садафхон Каримова, Садоқат Тожиева сингари қўллаб-қўллабга субсидия асосида тикув машиналари берилди. Ҳозирда улар хусусий корхоналарнинг буюртмалари асосида иш бажариб, даромад топишяпти, — дейди йиғин раиси Баҳодиржон Нишонов.

Маҳалла фаолларининг яна бир муҳим ташаббуси ҳақида айтиб ўтиш ўринли. Уч фарзанднинг онаси Дилшодахон Саломова ва бир нафар



ногирон боласини тарбиялаётган Ҳалимахон Зиёева (иккиси ҳам турмуш ўртоғидан бевақат ажралган) "Аёллар дафтари" рўйхатида киритилиши лозим эди. Бироқ, киритилмади. Боиси, маҳалланинг Абдуллажон Турсунов, Ҳайдарали Аҳмедов, Озодбек Алихонов сингари 13 нафар тадбиркор, ишбилармон йигитлари икки эҳтиёжманд аёл ва уларнинг фарзандлари таъминоти учун зиммаларига олишди. Улар навабти билан оилаларнинг қанақа юмуши бўлса, ишчи ёллаб бажаришди, рўзгорининг кам-қўстини тўлдирдишга моддий ёрдам беришди. Оналарга маҳалла томонидан тикув машинаси ажратилди. Ҳозирда улар уйда ўтириб, ишли бўлишди, бюурт-ма асосида кийим-бош тикишяпти, маҳалла фаолларидан, олийҳиммат тадбиркорларнинг саховатидан беҳад хурсанд.

— Маҳалладаги ҳоким ёрдамчиси Исомжон Акбаров хонадонимда чорва боқишни йўлга қўйишим учун банкдан 15 миллион сўм олиб берди. Астойдил ишга киришдим. Чорва туёғини кўпайтириб, яқин йилларда бу

маҳаллада кўпчилиқни ташкил этади.

— "Оилавий тадбиркорлик" дастури бўйича йилнинг биринчи ярмида 10 нафар ёшларнинг "Халқ банки" туман филиалидан 82 миллион сўм кредит олишларига эришдик, — дейди маҳалладаги ҳоким ёрдамчиси Исомжон Акбаров. — Бунинг ҳисобига йигит-қизлар чеварчилик, аҳолига маийиш, автомобилларга техник хизмат кўрсатиш, чорвачилик, дурадорлик ва бошқа йўналишларда фаолият олиб боришмоқда. Йил охирига қадар яна 10 нафардан ортиқ ёшларнинг банкдан 200 миллион сўм кредит олишларига кўмаклашиш мақсадимиз бор.

Айни дамда раис ва маҳалла фаоллари олдида яна иккита салмоқли муаммо кўндаланг турибди. Ўтган асрининг етмишинчи йиллари ўрталарида қурилган 18-давлат мактабгача таълим ташкилоти бинолари маънан эскириб қолган. Пол, эшик-ром ва шифтлари фойдаланишга ярамайди. Муассаса капитал таъмирига муҳтож.

— Болалар боғчаси 100 ўринга мўлжаллаб барпо этилган. Лекин, бу ерда ҳозир 180 нафар бола тарбия-

ланаяпти. Маҳалламизда боғчага қамров даражаси ўта паст. Ўринлар сонини 300 тадан кўпайтириш учун қўшимча бино қуриш бугуннинг талаби бўлиб турибди, — дейди услубчи Феруза Кенжаева.

Бу муаммо ечимини Бағдод тумани мактабгача ва мактаб таълими бўлими, соҳанинг вилоят бошқармаси мутасаддилари эътиборига ҳавола қилган ҳолда, яна бир долзарб масалани айтмасак бўлмайди.

Маҳаллада минн ўйингоҳ йўқ. Мамлакатимизда спортнинг энг оммалашган футбол турига бўлган эътибор кучайган ҳозирги шароитда маҳалла болаларининг серкатнов катта кўчаларда тўп тепиб юриши одамни ташвишга солади.

— Уйим кўчанинг бўйида жойлашган. Вақти-бемаҳал бу ерда болаларнинг қий-чув қилиб футбол ўйнаши мени хавотирга солади, — дейди маҳалла фуқароларидан бири Ғанижон Мелибоев. — Фарзандларимиз хавфсизлигини таъминлаш, уларнинг спорт билан муносабатини яхшилашларига шароит яратиш зарур.

Қўштегирмонликлар ҳузурида бўлганимизда, ўн беш-йигирма чоғли отахонлар билан ҳам суҳбатда бўлдик. Уларнинг маҳалла ободлиги, турмуш фаровонлиги ва "маҳалла еттичилиги" фаолияти хусусидаги фикрлари билан қизиқдик. Нурунийлар бугунги фаровон кўнларга етказганига шўкрона келтириб, фарзандлар бахту иқболини тилаб, қўллари ҳамisha дуода эканликлари таъкидлашди.

— Ҳал этилиши лозим бўлган масала доимо топилди. Ҳаёт бор экан, муаммо ҳам бўлади. Одамларнинг турмуш даражаси юксалгани сайин хоҳиш-истаги, талаби ҳам ортиб боравераркан. Бугун кечагидан, эртага бугунгидан яхшироқ яшаш оرزуси бўлади. Бунинг учун юртда тинчлик-осойишталик бўлса бас, — дейишди улар.

Қўштегирмон бугун обод гўшага айланган. Қишлоқнинг қоқ ўртасидан кесиб ўтган текис ва рақон йўлдан бораб экансиз, икки ёнда кўркам уй-жойлар, девордан ошган дарахт шохларида солланиб турган мевалар, гулу райхонга бурканган дарвоза саҳналари мафтун этади. Бу орасталик ва фаровонлик деб кеча-ю кундуз елиб-югураётган раис, "маҳалла еттичилиги", қишлоқнинг нор йигитлари, жонқуярулари тўғрисида бахтли ҳаёт, тинчлик-тотувлик барқарор, порлоқ келажак нақд деяверинг. Халқимиз таъбири билан айтганда, қаторда ногирин бўлса, юкин ерда қолмайди.

Абдужалил БОБОЖОНОВ,
Ўзбекистон Журналистлар
уюшмаси аъзоси.



кечаларида иштирок этди.

1842 йилда Бухоро амири Насруллахон Қўқонни эгаллагач, Жаҳон отин Увайсий Марғилонга, ота уйига қайтиб келади. Амир Умархон ҳаётиligи чоғида бу хонадонни деярли қайта бунёд этиб қўйган эди. Шоира аввалига болалиги ўтган ҳовлини таний олмайди. Лекин отаси эккан тут дарахти сақланиб қолган эди.

**Ки бўлбўл нола, афғон айламакни мендин ўрганди,
Вужудин шамъи сўзон айламакни мендин ўрганди.**

**Бориб сахрога, қон бағримдин изҳор айладим бир кун,
Фалак бағрин қизил қон айламакни мендин ўрганди.**



ундан илҳомланаётган юртдошларимиз жуда кўп, – дейди уй-музей директори Гулнора Алижоновна. – Кунда-кунора бу ерга кўплаб ана шундай қалби адабиётга, инсонийликка ошўфта инсонлар, шахримизга ташриф буюрган хорижлик сайёҳлар келишади. Турли адабий-бадий кечалар, адабиёт оқшомлари ўтказиб турилади. Биз Увайсий момомиз адабий хазинасига оид асарларнинг асл нусхаларини излаб топиш ва уй-музейни бойитиш бўйича изланишлар олиб бораёмиз. Шоира қаламига мансуб кўплаб қўлёзмалар унинг андижонлик қариндошлари томонидан олиб кетилган деб эшитганимиз бор.

Агар ана шу қўлёзма нусхалар ҳам уй-музейдан ўрин олса, ташриф буюрувчилар шоиранинг ижод намуналаридан янада кўпроқ баҳраманд бўладилар.

Шакароб қилиб сўв сепилган, тупроқ иси анқийётган ҳовлидан йироқлашгимиз келмайди. Бироқ вақт ҳукмрон. Сўхбатдош билан хайрлашиб, момомиз улғайган хонадондан чиқамиз. Шу дамда Гулнорахон Алижоновна яна бир гапни айтиб қолди.



Миллий МЕРОС:

МАРҒИЛОН ШАХРИНИНГ ҚАДИМГИ “ЧИЛДУХТАРОН” МАҲАЛЛАСИДАГИ ЧОҒРОҚЧИНА, АММО ИЛМЛИ ИНСОНЛАР ЯШАЙДИГАН ҲОВЛИНИНГ ЭШИГИ ҚИЯ ОЧИҚ. ИЧКАРИДА, ТУПРОҚ ЕРДА УЧ-ТҮРТ ЧОҒЛИ ҚИЗАЛОҚЛАР – ЖАҲОН, ГУЛШАН, ЗУХРА, НУРИДА “ТҮПТОШ” УЙНАШАПТИ, ГОҲИДА ҚИЙҚИРГАНЧА ТУТ ДАРАХТИГА БОҒЛАНГАН АРҚОН АРҒУМЧОҚҚА ОСИЛИШАДИ. УЙИНДАН “ЧАРЧАШҒАЧ”, ҚҮЛБОЛА АЙВОНЧАДА КИТОБ МУТОЛАА ҚИЛАЁТГАН КЕКСА ЁШДАГИ АЁЛ – ЖАҲОННИНГ ОНАСИДАН ҲИШ-ЎЗИШНИ ҲАҚИЙЛАШГА ОШИҚИШАДИ...

ҲАҲОННИНГ ОНАСАМ

Тенқурларидан анча шаддод, билим олишга иштиёқи баланд бўлган Жаҳоннинг хат-саводи чиққач, қўлига қалам олди, аввал халфа, сўнг онасининг ёнида мактабдорлик қилди. Отаси дунёвий илм, айниқса, ўзбек мумтоз адабиёти тўғрисида тушунчалар берди. Акаси Охунжон ҳофиздан эса назм илмини ўрганди, тез орада ёш шоира отин сифатида танила бошлади. У, айниқса, арузни, ғазалнависликда фикрни яшириб ифодалаш санъати – муаммони мукамал эгаллади.

**Бир шўҳи замон кўрдим дилбарму экин оё,
Бошига қўян эгри афсарму экин оё.**

**Юз узра паришондур нассож сияҳ тори,
Машшота агар урса ҳайдарму экин оё.**

**Бир ҳатра зулолингдин бўлғай минг ўлук ихё,
Гар деса бўлур кофир, шаккарму экин оё.**


**Жонона ҳаёлимдин азм айласа ҳар соат,
Бошимга тушан савдо маҳшарму экин оё.**

Қизининг бу каби дилбар сатрлари отани бениҳоя мамнун этар, мисралардаги сўзлар устидан баъзан чиқиқ тортиб тўғирласа, баъзан ҳар сўзнинг қудрати ҳақида маслаҳатларини дариг тутмапти. Падари бузруквори нуридийдасининг порлоқ келажагини олдиндан кўра билган эди.

Жаҳон отин Увайсий ижодида ишқ, Оллоҳга интилиш ғояси асосий ўринда турган. У вояга етгач, марғилонлик Ҳожиҳон билан турмуш қуриб, Маҳмадалихон исмли ўғли ва Қўёшхон исмли қиз кўрди. Бироқ турмуш ўртоғи эрта вафот этди.

Уша даврда Қўқонда адабий мухити гуллаб-яшнаётган эди. Увайсий ҳам қизгин, оромбахш мушоираларда иштирок этарди. Кўп ўтмай у икки фарзанди билан хон саройига кўчиб ўтди. Бу ерда Нодирабегим каби шеърятга ошўфта аёлларга сабоқ берди, уларга устозлик қилиш баробарида, ижодий фаолиятини давом эттирди, бири-биридан маънодор, латиф ғазаллар битди. Тез орада Ҳўқанди латиф хонин-қизларининг маърифатпарвар аёлига айланди. Баъзида Нодирабегимга ҳамроҳлик қилиб, Қонибодом, Ҳўжанд, Уратепа, Тошкент, Андижон шаҳарларигача борди, у ерларда ҳам ғазалхонлик

Увайсий ғазалу чистонлар битиб, адабий меросимизни янада бойитишга ўз хиссасини қўшаётган бир пайтда бошига кетма-кет мусибатлар тушди. Қизи Қўёшхон ҳаётдан эрта кўз юмди, ўғли Қашқарга аскарликка юборилди. Фарзанд соғинчи, ғам-андуҳ уни маҳзун шоирага айлантирди. “Соғиндим”, “Қўнғул доғ ўлди, доғ ўлди” радифи ғазаллари унинг учун оғир йилларда дунёга келди.



**Бу кун, эй дўстлар, фарзанди жононимни соғиндим,
Гадо бўлсам не айб, ул шохӣ давронимни соғиндим.
Мусофирман, гарибман, бекас-у ҳам бенаводурман,
Вужудим дардга тўлди, эмди дармонимни соғиндим.
Тилимнинг зикри-ю, кўнглимнинг фикри,
яхши фарзандим,
Азизим, ёлғизим, давлатли султонимни соғиндим...**

Увайсий ўз асарларида юксак одамийликни, шу фазилатни қалб тўрида авайловчи вафодор ёрни улуғлайди, ёр ва офтоб ташбиҳларидан қаршилантириш санъати орқали энг гўзал туйғулар силсиласини яратди. Лирик қаҳрамони мушоҳадakor донишманд, вафоли ошӣқ эди. Унинг анор ҳақидаги чистони ўзининг чўқур мазмуни ва юксак бадийлиги билан шоира ижодининг ёрқин бир саҳифаси сифатида кўзга ташланди.

**Бу на ғумбаздур, эшиги, туйнугидин йўқ нишон,
Неча гулгун пок қизлар манзил айлабдур макон?
Туйнугин очиб, аларнинг ҳолидан олсам хабар,
Юзларида парда тортуғлиқ турурлар, бағри қон.**

Увайсийнинг адабий меросида 269 та ғазал, 29 та мухаммас, 55 та мусаддас, 1 та мурабба, чистон, 3 та дoston, тугаллан-

дижон вилоятининг давлат тарихи ва маданияти музейида сақланмоқда.

2007 йили Марғилон шаҳрининг 2000 йиллиги муносабати билан аввалги Чилдухтарон, бугунги “Саховат” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги Жаҳон отин Увайсий улғайган ҳовли шоира уй-музейига айлантирилди. Эндilikда бу файзли даргоҳ шоира мухлислари, китобхонлар, кенг жамо-

“ХАБАР”

атчилик вақиллари ташриф буюрадиган қўтлуг зияратгоҳ, туризм манзилига айланган. Ховлига кираверишда Увайсийнинг отаси эккан тут дарахти савлат тўкиб турибди. Унинг соя-салқинида Жаҳон ва унинг дўгоналари қийқириб ўйнаётгандай, ҳув нақшинкор айвонда отаси қизининг янги битикларини мутулаа қилаётгандай кўринади.

Увайсий уй-музейи кўргазмалар зали ва рамзий ижодхонадан иборат. Дастлабки залда шоира қаламига мансуб бўлган асарлар қўлёзмаси нусхалар, авлод-аждодлари фойдаланган уй-рўзгор буюмлари, кийим-кечақлар, ўша замонга хос асори-атикалар жамланган. Шунингдек, ўтмиш ва бугунги давр адабиёт намоёндаларининг асарлари мавжуд.

Таниқли шоир, кўплаб истеъдодли ёшларни тарбиялаган устоз Исмоил Маҳмуд раҳбарлигидаги “Увайсий издошлари” тўғараги ҳам мана шу азиз масканда фаолият юритади.

Миллий анъаналар асосида безатилган ижодхона тўрига шоира фойдаланган сандиқ, ўртага танча қўйилган. Увайсийнинг одмигина турмуш тарзи зияратчиларни ҳайратга солади. Бу хонада ортиқча ҳашамга берилмаган, дунё бойликларига интилмаган, хокисор аёл яшагани, ижод қилгани кундай равшан бўлади.

Хонадон ҳовлиси “Соҳли эшон мазорини”га туташ. Увайсий васиятига кўра, шоира ана шу мазорга дафн этилган. Бугун у абадий ором топган маскан ҳам адабиёт илосмандлари ва сайёҳлар ташрифидан янада обод бўлмоқда.

– Шоира ижодини ҳурмат қилиб, асарларини севиб ўқиб,


– Биздан ўн-ўн беш қақирим наридаги “Увайсий” маҳалла фуқаролар йиғинида момомизнинг ҳайкали ва рамзий қабри бор.

Бу манзилда ҳам бўлди. Темир панжаралар билан ўралган ҳудудда Жаҳон отин Увайсийнинг ихчам ҳайкали қад кўтарган, сал нарида рамзий қабри мавжуд.

– Зияратчилар билан гавжум гўша бу, – дейди шу ердан ўтиб бораётган Зарифахон ая Солиева. – Гарчи рамзий манзил бўлса-да, бизга бой тарихимизни, юксак истеъдод соҳиби бўлган Увайсий момомизни ёдга солиб туради.

Ҳа, Жаҳон отин Увайсий ижодий мероси юқори бадий маҳорати билан алоҳида ажралиб туради ва, шубҳасиз, китобхонларга ҳали узоқ йиллар маънавий озуқ беради, тарихимиздан, бой миллий маданиятимиздан “сўзлайди”.

Маҳиёра БОЙБОБОЕВА.



ЭНГ БУЮК СОҒИНЧ

(Бир ватандошимиз ҳикояси)

Қатагон йилларида бир зиёли ватандошимизни олис Афғон қўлларига сургун қилишган экан. Тақдир тақозоси ила оиласи билан бир неча йиллар Афғонистоннинг Сурхондарёга чегарадош ҳудудларида яшашига тўғри келибди. Уша мудҳиш йилларда кечалари болаларини ухлатиб, эр-хотин кичик қулбалари томига чиқиб, олис-олисларда порлаб турган тунги чирокларга термулиб, соатлар ўтиришаркан. Шу тариқа болаликлари ўтган, киндик қонлари тўкилган она заминни қўмсаб, қўзларига ёш оларканлар. Ватан соғинчи қалбларини шу қадар ўртарканки, ана бир бор муқаддас тупроққа қадам босиб, ўлимга маҳқум бўлишга ҳам тайёр эканлар. Фарзандлари ҳам баъзан томда ётишар ва ота-оналарининг йиғи аралаш узоқларга термулиб, тунни тонга улашларига гувоҳ бўлишаркан.

Бир тунда эр-хотин томдан тушсалар, тўрт ёшли ўғиллари ухлаб ётган ака-опаларининг ёнида йўқ эмиш. Дастлаб уйни, сўнгра теварак-атрофни, яқин орадаги кўчаларни кўздан кечиришибди, аммо ҳеч қаердан дараги чиқмабди. Эрталаб қидирувга қўни-қўшнилар қўшилибди. Минг ҳаяжон, кўрқув, дод-фарёдлар авжига чиққан дамда, қимдир Сурхондарё далааларига туташиб кетган буғдойзордан бир боланинг йиғиси эшитилганини айтиб қолибди. Айтилган жойга борсаларки, гўдак йиғлай-йиғлий, “кўзлари ишиб”, ухлаб қолган экан. Бола уйғонгач,

ундан нега бундай қилгани, қаёққа кетаётганини сўрашибди. У бийрон тўтирлари билан ватанга бораётгани, кўз ёшлари тўктираётган ўша чирокларни кўргиси келганини айтибди.

Кейинчалик, бу оила Афғонистон орқали Туркия давлатига бориб, ўша ерда муқим яшаб қолган экан. Орадан неча йиллар ўтса-да, боланинг ўша кунги “ўзошимча”лиги ҳеч эсидан чиқмади. Ҳозир у анча кексасийб қолган. Яқинда Фарғона вилоятида ўтган бир адабий кечанинг меҳмони бўлди. Юқорида баён этганларини ўша тўрт ёшли, Ватан чирокларига интилган “бола”нинг тилидан эшитдим.

– Беихтиёр бир ҳақиқатни чуқур англайман: она юрт соғинчи дунёдаги энг буюк соғинч экан. Ватан ўз фарзандини доимо ўзига чорлаб тураркан. Ҳа, мен уники, у эса меникилигини ич-ичимдан, қалбан ҳис қиламан.

Сайёрамизнинг қай бурчагида бўлмайлик, куёш нурларидан баҳраманд бўламиз. Ватанини соғинганимизда ана шу қуёшга қараб, бизни кўриб турган шу осмон жисми ўзбекистонни, ватандошларимизни ҳам кўриб турганлигини ҳис қиламиз. У саҳий, айниқса, ўзбек юртига саҳийлиги минг чандонлигиндан кўнглим ғурурга тўлади. Биз қуёшга худди Ватанга қарагандек боқамиз, — дея кўзлари намланди сўхбатдошимизнинг.

Мўътабар ҒУЛОМОВА.

Муҳаммад Юсуф

Қушдай учиб кучоғингдан дунё кездим,
Кезиб-кезиб топганларим соғинч бўлди.
Қанча олис кетсам шунча қадринг сездим,
Қайда юрсам ёди меҳринг овунч бўлди.
Айланайин қаро қошу кўзингдан-а,
Ўзингдан қўймасин, халқим, ўзингдан-а.
Биров учун бировлар туш кўриб бермас,
Миннат қилмай бир боғ ўтин ўриб бермас.
Байрамингда ойлаб базм қилган каслар
Бошинга иш тушса туриб бермас.
Номус қуйи тушмасин ҳеч бўзингдан-а,
Ўзингдан қўймасин, халқим, ўзингдан-а.
Эрк водийси — заҳматларга сийловдир бу,
Той қоқилиб от бўлгучи яйловдир бу,
Ранж чекмасанг нурли, нурли тонглар қайда
Синовдир бу, балки буюк синовдир бу.
Бош кетса ҳам қайтма энди сўзингдан-а,
Ўзингдан қўймасин, халқим, ўзингдан-а.
Болдан ширин татир қора бўғдойинг ҳам,
Ўзингдан бўлса гар шоху гадейинг ҳам.
Бир тану жон, бир-бирингдан рози юрсанг,
Худойим ҳам сендан рози, худойим ҳам.
Гоҳи ипак, гоҳи хаттак, бўзингдан-а,
Ўзингдан қўймасин, халқим, ўзингдан-а.
Эр бошига иш тушса ўт кечгувчидир,
Чидаймиш-да, бу заҳматлар ўткинчидир.
Хурлиминг ҳақ — қолган бари ўтаверсин,
Бу дунёда энг ёруғ бахт — эл тинчидир.
Айирмасин беминнат нон, тузингдан-а,
Ўзингдан қўймасин, халқим, ўзингдан-а.



БИЛДИРИШ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 24 январдаги “Фарғона вилоятидаги олий таълим ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 26-сонли қарорига мувофиқ, Фарғона политехника институти ва Тошкент ахборот технологиялари университети Фарғона филиали негизида Фарғона давлат техника университети ташкил этилган. Ушбу қарордан келиб чиқиб, Ўзбекистон талабалар спорт ассоциациясининг Фарғона политехника институти спорт клуби Ўзбекистон талабалар спорт ассоциациясининг Фарғона давлат техника университети спорт клуби этиб қайта номлангани ва давлат рўйхатидан ўтказилганлиги маълум қилинади.

МУАССИСА: "Farg'ona haqiqati" va "Ferganskaya pravda" gazetalari tahririyati	2021 йил 18 августда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги Фарғона вилояти ҳудудий бошқармасида 12-001 рақами билан рўйхатдан ўтган. Индекс: 7521.	Газета "Zakovat nashriyoti uyi" МЧЖ босмахонасида тахририятнинг оригинал макети асосида офсет усулида А-2 формат (4 саҳифа)да чоп этилди. Босмахона манзили: Наманган вилояти, Косонсой шаҳар, Чорбоғ кўчаси, 17. Буюртма: 11857.	Бизнинг манзил: 150114, Фарғона шаҳар, Соҳибқирон Темур кўчаси, 28-уй.	
			Телефонлар: 94 390-19-51, 93 370-07-14	
			Саҳифаловчи: Алишер Розиков.	
Бош муҳаррир: Рустам ОРИПОВ	Газета жума кунни чиқади. Адади: 2071 нусха.	★ Баҳоиси келишилган нархда.	★ Навбатчи муҳаррир: Муаттар Махмудова.	Босингга топшириш вақти: 16.00. Топширилди: 15.30.
				